

Н. Турниёзов (СамДЧТИ)
НУТҚ ДЕРИВАЦИЯСИ ВА СИНЕРГЕТИК ОМИЛ ХУСУСИДА

Бугунги кунда нутқ лингвистикаси илмий асосланган экан, нутқ деривацияси масаласи ҳам кун тартибидаги долзарб юмушлардан бирига айланганлиги изоҳ талаб қилмайди, албатта. Бу ўринда нутқнинг турли кўринишлари деривацион таҳлилга тортилиши шубҳасиз. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, нутқ деривацияси масаласининг асосий ва зарурий тамойиллари ҳали тўлиқ ишлаб чиқилгани йўқ.

Ана шундай масалалардан бири нутқ ситуацияси саналади. Мазкур ситуация бир томондан антропоцентрик тамойиллар билан боғланса, иккинчи томондан экстралингвистик воситалар билан узвий алоқадордир. Бунинг боиси бор, албатта. Биринчидан, нутқ деривацияси сўзловчининг хоҳиши, сўзлашув услуги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, сўзловчининг ҳар доим экстралингвистик омиллар қуршовида бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис нутқ деривациясининг асосий тамойиллари антропоцентрик характерли ва экстралингвистик омилар билан алоқадор бўлишини ғайритабиий ҳол деб тушунмаслик лозим.

Шуни айтиш лозимки, ҳозирги тилшуносликда нутқни дискурс деб аташмоқда. Дискурс сўзининг асл маъноси нутқ сўзининг маъносига тўғри келади. Бироқ бугунги тилшуносликда дискурс деганда, гапдан катта микроматнларни ҳам тушунмоқдалар. Аммо шундай бўлишига қарамасдан, биз уни нутқ маъносида қўллаймиз. Нутқнинг бир бўлагини ташкил этувчи матнлар ҳам кенг маънода дискурс мақомида келади. Бироқ дискурс сўзини кенг маънода тушунишимиздан қатъи назар, унинг қўлланилиши чегарасиз бўлмайди. Масалан, *нутқ деривацияси* тушунчасидан фойдаланиш мумкин бўлган бир пайтда, *дискурс деривацияси* дейиш анча ноқулай эканлиги изоҳ талаб қилмайди.

Нутқ деривацияси муаммолари бугунги кунгача тилшуносларнинг диққат эътиборини том маънода тортганича йўқ. Бу соҳада ҳали махсус тадқиқот ишлари бажарилганлиги кузатилмайди. Бироқ ушбу масала тавсифини ўрганиш, назаримизда, ўта долзарбдир. Чунки нутқ лингвистикаси тилшуносликнинг алоҳида бир бўлимини тақозо этар экан, мазкур соҳада қилиниши лозим бўлган тадқиқот ишлари текширувларимиз кун тартибига қўйилиши ўз-ўзидан илмий эҳтиёжга айланиб қолмоқда. Зотан, деривацион тамойиллар тил системасининг амалда қўлланилиши масаласини тўлиқ қамраб олмоқда.

Нутқни инсоннинг сўзлашув жараёнида вужудга келадиган яхлитланган тил материали сифатида идрок этамиз. Инсон ўз нутқий фаолиятида тил системасидан фойдаланади. Инсон нутқи тил бирликларининг кесишиш чизиғи ҳисобланади ва бунда тил унсурларининг поғонали муносабати вужудга келади. Бошқача айтганда, тил бирликларининг ҳар бири ўзидан катта бирлик сатҳида қўлланила бошлайди. Ана шу нутқтаи назардан нутқ ҳам динамик характер касб этади.

Инсон нутқининг энг асосий хусусиятларидан бири унинг боғланишли эканлигидир. Мазкур хусусият нутқнинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи гап, иловали қурилмалар, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац кабиларнинг ўзаро семантик ва синтактик муносабатидан келиб чиқади. Улар ўртасида бундай муносабат бўлмас экан, нутқда боғланишлилик ҳам бўлмайди [1, 53].

Албатта, нутқ нафақат тил системаси унсурларининг амалда қўлланилишини, балки сўзловчининг индивидуал тажрибаси ва билимининг ҳам ҳаётга татбиқ этилишини кўрсатади. Аслини олганда, нутқ икки нарсани – тил белгилари ва сўзловчининг уларга муносабатини тақозо этади. Бу жиҳатдан нутқ прагматик маъно касб этади.

Бу жараёнда, албатта, тил унсурларининг қўлланиши маълум грамматик қоидаларни талаб қилади. Бунда *туб структура*, яъни минимал семантик структура муҳим аҳамият касб этади.

Туб структура – бу энг кичик (минимал) семантик структура бўлиб, у ҳар қандай хабар ифодасини берувчи нутқ бирлигининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган *базал структурани* тақозо этади. Ана шу базал структура асосида нафақат маълум бир гап билан мураккаб синтактик қурилмалар, абзацдан тортиб макроматнғача бўлган нутқ парчалари шаклланиши мумкин. Буларнинг барчаси синтактик деривация назариясига асосланади, зотан, ҳар бир шаклланишнинг охириги натижаси дериватни (ҳосилани) тақозо этади.

Синтактик деривация назарияси тилшуносликда лексик деривациядан анча кейин асосланди, аммо шуни ҳам айиш лозимки, синтактик деривациянинг лингвистик мақоми бобида айтилган тилшунослар фикр ва мулоҳазалари бир хил эмас. Е. Курилович синтактик деривация деганда муайян сўз таркибида қатнашиб, унинг синтактик функциясини ўзгартирадиган ҳодисани ва шу асосда маълум бир синтактик структура замирида шакланган иккинчи структурани тушунади [2]. В. С. Храковский муайян бир синтактик сруктуранинг грамматик мақоми ўзгариши натижасида рўй берадиган шаклий кенгайишни тушунади [3], Л.Н. Мурзин синтактик деривацияни қарийб трансформация билан тенглаштиради [4]. Ўзбек тлшунослигида эса синтактик деривация Н. Турниёзов томонидан бир таянч сруктура замирида шакланган ҳар қандай ҳосила қурилма тарзида талқин этилади ва бу ўринда синтактик деривация трансформацияни ҳам камраб олиши таъкидланади [5].

Тилшунослар синтактик деривациянинг лингвистик мақоми ҳақида билдирган фикрлари муштарак бўлмаса ҳам, жаҳон дериватологиясида қўлланаётган терминлар бир хил эканлигини кўрамиз. Улар қуйидагилардир: *операнд* – дериватнинг таркибий қисми; *оператор* – синтактик деивацияни вужудга келтирувчи восита; *дериват* – ҳосила (сўнгги натижа).

Дериват турли шакларда бўлиши мумкин. У сўз бирикмаси, гап, мураккаб синтактик қурилма, абзац, боб ва ҳ.к. мақомларида келади.

Шу нарса характерлики, синтактик структуралар деривацион жараёнда фаоллашади ва айни пайтда уларнинг кичиги каттаси билан иерархик

муносабат ташкил этади. Масалан, гап сатҳида сўз бирикмаси, мураккаб синтактик қурилма таркибида гап, абзац доирасида мураккаб синтактик қурилма фаоллик олади.

Нутқнинг синтактик деривацияси, шундай қилиб, катта ва кичик синтактик ситруктураларнинг амалда қўлланиши билан узвий боғлиқ бўлади. Бунда дериват операндлари сифатида гап, мураккаб синтактик структура, абзац, боб кабилар фаоллик кўрсатади.

Қандай бўлишидан қатъий назар, дериват агар матнни тақозо этса, бунда биз тил системасининг тўлиқ амалда қўлланишини кузатамиз. Бу жараёнда тил ва нутқ бирликларининг барчаси ўзаро кесишади. Айни пайтда савол туғилиши мумкин: мазкур ҳодиса қандай рўй беради? Ушбу жараёнга инсон омили албатта таъсир кўрсатади. Аммо бу, бизнингча, асосий кўрсаткич бўлмайди. Бу ўринда тил воситаларининг ўз-ўзини бошқариши муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, айна пайтда синергетик омил етакчи кўрсаткич ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, *синергетика* тушунчаси тилшуносликка эндигина кириб келди. Бу тушунча дастлаб физикада немис олими Г. Хакен томонидан қўлланилган бўлиб, у мазкур терминни лазер нурланишнинг ўз-ўзини бошқариши маъносида талқин этган [6, 29]. Дарҳақиқат, *synergeia* тушунчаси юнонча бўлиб, у *ўзаро ёрдам* деган маънони англатади.

Тилшуносликда *синергетика* термини биринчи бўлиб, француз олими Р. Том томонидан қўлланилди (6, 29). Бу ўринда олим ўз-ўзини бошқариш деган тушунчага урғу беради. Биз ҳам ушбу тушунчани ана шу маънода талқин этамиз.

Синергетик омил матн деривациясида (нутқ деривациясида) ўзини тўлиқ намоён этади. Айниқса матн шаклланишининг фонетик, морфологик, синтактик воситалари синергетик омилнинг амалда қўлланишини таъминлайди. Бунда нафақат тил ва нутқ бирликларининг ўзаро қоришуви, балки когнитив-прагматик қоидалар ҳам қамраб олинади.

Албатта, тилнинг нутққа кўчирилиши масаласини инсон омилисиз тасаввур этиш қийин. Айна шу жараёнда антропоцентриқ тамойиллар когнитив-прагматик тамойиллар билан узвий боғланади, зеро, инсоннинг тилни билиши даражаси ва тил белгиларидан қай тарзда фойдаланиши, уларга муносабат билдириши бу ўринда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Турниёзов Н. Матн лингвистикаси. – Самарқанд, 2004.
2. Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая //Очерки по лингвистике. –М., 1962.
3. Храковский В.С. Трансформация и деривация //Проблемы структурной лингвистики – 1972. –М., 1973.
4. Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. –Пермь, 1984.
5. Турниёзов Н., Турниёзов Б., Турниёзова Ш. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. –Тошкент, 2011.

6. Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике
//Филологические науки, №5, 2004.